

Д.Б. Ахунов, О.Т. Парпиев

Наманганский инженерно-строительный институт

D.B.Axunov, O.T.Parpiyev

Namangan Engineering Construction Institute

ПОНЯТИЯ ИННОВАЦИИ И ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ

Аннотация. В данной статье представлены понятия инновации и инновационной деятельности в педагогическом процессе, а также их определения и пояснения.

Ключевые слова: Инновация, инновационная деятельность, педагогический процесс, обучающийся, инновационный процесс.

CONCEPTS OF INNOVATION AND INNOVATIVE ACTIVITY IN PEDAGOGICAL PROCESSES

Annotation: This article presents the concepts of innovation and innovative activity in the pedagogical process, as well as their definitions and explanations.

Keywords: Innovation, innovative activity, pedagogical process, student, innovative process.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ТУШУНЧАЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада педагогик жараёнларда инновация ва инновацион фаолият тушунчалари ҳамда уларнинг таъриф ва изоҳлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Инновация, инновацион фаолият, педагогик жараён, таълим олувчи, инновацион жараён.

Ҳозирги вақтда «Инновация тушунчаси» жуда кенг қўлланилмоқда. Инновация сўзи инглизча сўз бўлиб — «инновацион» янгилик киритиш деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб,

ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир.

Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида вужудга келиб, таълим мазмунини ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация — маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингидан анча муваффақиятга эришишига олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир.

Педагогик жараёнларда инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад — ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, янги педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат.

Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён деб — инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш жараёнига айтилади.

Инновацион жараён — бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир.

Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, таълим тизимида ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган.

Инновацион фаолият — бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узок вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради.

Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагогик олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

— ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;

- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба — синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи— педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- Муаммоли таҳлил асосида аниқлаш.
- Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш.
- Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш.
- Ўзгаришларни амалга ошириш.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усулларини ечишни аниқлашга қаратилгандир. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Демак, педагогик жараёнларда ўқитувчининг инновацион фаолияти унинг янги педагогик технологиялар, назариялар, концепциялар муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлишидир.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик жараёнларда инновацион фаолият — янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос

келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъерининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўқув-тарбия жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш / Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М, Эргашева Г., Берданова Ф. – Т.: 2004. - 63 б.
2. Imamnazarov E. D., Parpiyev O. T. Teaching educational technologies in pedagogical activities //Экономика и социум. – 2021. – №. 6-1 (85). – С. 94-96.
3. Каримова М.О. Касб-хунар коллежларида услубий ишларни ташкиллаштиришнинг илмий-педагогик асослари: Автореф. дис. ... пед. фан. номз. – Т.: ТДПУ, 2008. – 24 б.
4. Парпиев О. Т. Использование педагогических игр как фактор повышения эффективности обучения //Молодой ученый. – 2011. – №. 12-2. – С. 127-129.
5. Парпиев О. Т., Имамназаров Э. Д. Педагогические игры и их возможности в профессиональном обучении //Проблемы и перспективы развития образования. – 2012. – С. 149-150.
6. Парпиев О. Т. Построение учебного процесса в системе повышения квалификации педагогических кадров //Молодой ученый. – 2015. – №. 21. – С. 822-823.
7. Парпиев О. Т. Использование игровых форм при подготовке студентов к педагогической деятельности //Молодой ученый. – 2020. – №. 24. – С. 424-426.

8. Парпиев О. Т. и др. Способы достижения образовательной эффективности при совершенствовании педагогических процессов //Экономика и социум. – 2021. – №. 9 (88). – С. 623-626.
9. Parpiyev O. T., Ahmedova G. I. Practical games and their didactic possibilities //Экономика и социум. – 2021. – №. 7. – С. 112-116.
10. Parpiyev O. T. The usage of pedagogical game as the factor of increasing efficiency in training //The young scientist. – 2011. – Т. 2. – №. 12. – С. 127.
11. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари /Ўқув қўлланма. – “Фан”. Тошкент 2006. – 261 б.
12. Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дис.... докт.пед.наук. – Ташкент: 1992. – 406 с.
13. Ходжабоев А. Р., Аноркулова Г. М., Парпиев О. Т. Касбий таълимда уқитиш воситаларидан фойдаланиш методикаси //Услубий кулланма.–2011. – 2011.
14. Парпиев О. Т., Имамназаров Э. Д. Факторы формирования профессиональной компетенции будущих педагогов профессионального образования //Экономика и социум.-2022. – 2022. – С. 10-2.
15. Ахмедова Г. И., Парпиев О. Т., Тиллабоев Д. Х. Использование дидактических игр в технологии обучения в начальных классах //Экономика и социум. – 2022. – №. 8 (99). – С. 130-134.